

КИМЁ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

Ўринова Озодахон Ўлжаевна

Фарғона давлат университети кимё кафедраси доценти

Аннотация: Маълумки, таълим жамият тараққиётининг асосидир. Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан бири янгича тафаккур, ижодий фикрлаш, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялашдир. Таълим жараёнида ёшларни ўқиш ва ўқитишга бўлган қизиқишларини шакллантиришда замонавий таълим технологияларидан бўлган дидактик ўйин усулларида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Калит сўзлар: кимё, таълим, инновация, лойиҳа, актив, пассив ва интерактив метод.

Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг инновация бошқа соҳаларга қараганда биринчилардан бўлиб таълим тизимига кириб келди. Инновацияни таълим жараёнида қандай ўз аксини топганлигини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

1. Таълим тизимига инновациянинг кириб келишини “Таълим тўғрисидаги Қонун” ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши мисолида кўришимиз мумкин. Бу таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

2. Ўқитиш тизимига инновациянинг кириб келишини таълим мазмунида, ўқитиш методларида, дарс шакли, ўқитиш турлари, ўқитиш воситаларида кўришимиз мумкин.

– таълим мазмунига инновация анъанавий, ноанъанавий ва масофавий ўқитиш турларининг кириб келиши билан изоҳланади.

– дарс шаклига инновацияни кириб келишини стандарт, ностандарт ҳамда вертуал дарс шакллари мисолида кўришимиз мумкин.

– ўқитиш турларидаги инновацияни муаммоли таълим, эвристик таълим, даражаланган таълим, интеграцияланган таълим, интерфаол таълим, информал таълим, расмий таълим, норасмий таълим турлари билан изоҳланади.

– ўқитиш воситаларига инновацияни кириб келишини дарс жараёнида мултимедиа, электрон доскалар ва бошқа воситалар билан изоҳлаймиз.

– ўқитиш методларидаги инновацияни қуйидагиларда кўришимиз мумкин;

1. Актив метод. Бу метод ўқувчларни дарс жараёнида фаоллашувига, маълум бир ҳолат ва воқеликга нисбатан фикрлашга-мулоҳаза юритишга ундайди.

2. Пассив метод. Бу метод дарс жараёнида ўқувчларда ўрганилаётган мавзу бўйича бир томонлама тушунча ҳосил бўлишига олиб келади.

3. Интерактив метод. Бу методни мақсади дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларни биргаликдаги фаол ҳатти-ҳаракатларига асосланади.

Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“инноватсион”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. Инноватсион таълим (ингл. “инноватсион” – янгилик киритиш, ихтиро) – ўқувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларини шакллантириш имкониятини яратадиган таълим.

Таълим инновациялари –ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Инноватсион фаолият структураси

1. Фаолиятни креативлик асосида қайта тиклаш
2. Ҳамкорлик, ҳамижодкорлик
3. Рефлексия

Ўқитувчининг инноватсион фаолияти ўқувчилар жамоасини ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

Ўқитувчининг инноватсион фаолияти қуйидагилар билан белгиланади:

- янгиликни қўллашга тайёргарлиги;
- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;
- ижодкорлиги

Инноватсион фаолият ўқитувчининг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида БКМни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

Замонавий шароитда ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида инноватсион характерга эга таълим шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модул-кредит тизими, масофали ўқитиш, Блендед леарнинг (аралаш ўқитиш) ва маҳорат дарслари таълимнинг инноватсион шакллари сифатида эътироф этилмоқда.

Замонавий таълим технологиялари белгиланган мақсадга мувофиқ йўналиш ва ҳажмга эга бўлган таълим мазмунини давлат таълим стандартлари,

ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар асосида етказишга хизмат қилади. Ҳар қандай технология таълим мақсадига мос сабаб билан яратилади.

Ўқитувчи томонидан таълим жараёнида инновацион характерга эга турли фаол методларнинг қўлланилиши ўқувчиларни ривожлантириш, қобилиятларини янада ўстиришга хизмат қилади. Хусусан:

- муаммоли изланиш;
- кичик тадқиқотларни олиб бориш;
- дебат;
- баҳс-мунозара;
- эвристик суҳбат;
- кичик гуруҳларда ишлаш ва б.

Қуйида кимёни ўқитишда кенг қўлланиладиган айрим методлар билан танишиб ўтамиз.

Эвристик таълим методи. Эвристик деган сўзнинг маъноси савол-жавобга асосан “топаман” демакдир.

Эвристик метод билан ўқитиш мактабларда асосан XIX аср бошларидан бошлаб қўлланила бошлади.

Машғулотлар қизиқарли бўлиши учун, бу машғулотлардаги ҳар бир масала ёки топшириқ сўзма-сўз қуруқ ёдлаш учун эмас, балки уларнинг олий фаолиятларини ишга соладиган характери бўлиши керак. Америкалик олим D.Роуа эвристик таълим методи тўғрисида шундай деган эди: “Эвристикани мақсади янгиликларга олиб боровчи метод ва қоидаларни излаш демакдир”. У эвристик метод моҳиятини қуйидагидек изчилликда тузилган режа орқали амалга оширишни тавсия қилади:

- Топшириқнинг қуйилишини тушуниш;
- Топшириқни ечиш режасини тузиш;
- Тузилган режани амалга ошириш;
- Орқага назар ташлаш (ҳосил қилинган ечимни текшириш).

Бу режани амалга ошириш жараёнида ўқитувчилар қуйидаги саволларга жавоб топадилар:

- Топшириқда нима номаълум?
- Топшириқда нималар маълум?
- Топшириқнинг шарти нималардан иборат?
- Илгари шунга ўхшаган топшириқлар ечилганми?
- Агар шунга ўхшаган топшириқлар ечилган бўлса, ундан фойдаланиб қўйилаётган топшириқни еча оладими?

Албатта юқоридаги режа схема ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш фаолиятларини шакллантиради, аммо бу режа-схема ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантирувчи бирдан бир йўл бўла олмайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Голиш L.V.«Таълимнинг фаол услублари: мазмуни, танлаш ва амалга ошириш» Т. Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази.
2. Мадумаров Т., Камолдинов М.. Инновацион педагогик технология асослари ва уни таълим-тарбия жараёнида қўллаш. «Тошкент-Талқин» 2012 йил.
3. Камолдинов М., Вахобжонов Б., Инновацион педагогик технология асослари. «Тошкент-Талқин» 2010 йил.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т. Истеъдод.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.
6. Marufjono'g, S. O. Q. li.(2023). ANJIR (FICUS CARICA L.) BARGIDAN KUMARINLAR OLISH. Scientific Impulse, 1 (9), 1723–1725.
7. Саминов, Х. Н. Ў. (2022). АНОР МОЙИ ВА УНДАН ТАЙЁРЛАНГАН КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ТИФ ТН АСОСИДА СИНФЛАШ. Science and innovation, (Special Issue), 417-418.
8. Kilichbek, S. (2023). CHROMATOGRAPHIC SEPARATION OF ORGANIC COMPOUNDS USING ADSORPTION CHROMATOGRAPHY. INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION, 2(20), 172-173.
9. Саминов, Х. Н. Ў. (2022). АНОР ЎСИМЛИГИНИНГ ЭФИР МОЙИ ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ. Science and innovation, (Special Issue), 419-421.
10. Marufjono'g, S. O. Q., & Numonjono'g'li, S. X. (2023). OLXO 'RI MEVASINING INSON SALOMATLIGIGA TA'SIRI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(22), 4-6.
11. Saminov , K., Ibragimov , A., & Nazarov Otabek Mamadaliyevich, N. O. M. (2023). STUDY OF VOLATILE COMPONENTS OF LEAVES AND FLOWERS OF Punica granatum L., VARIETY "KAYUM" GROWING IN UZBEKISTAN. Scientific Journal of the Fergana State University, (3), 147. Retrieved from <https://journal.fdu.uz/index.php/sjfsu/article/view/2613>.
12. Kilichbek, S. (2023). DETERMINATION OF MACRO AND MICROELEMENT CONTENT OF FIG (FICUS CARICA L.) LEAF USING INDUCTIVELY COUPLED PLASMA MASS SPECTROMETRY METHOD. Scientific Impulse, 1(12), 287-288.
13. Саминов , Х., Ибрагимов , А., & Назаров , О. (2023). DETERMINATION OF THE CONTENT OF CHEMICAL ELEMENTS OF Púnica granátum VARIETY "QAYUM". Scientific Journal of the Fergana State University, 28(1), 11. https://doi.org/10.56292/SJFSU/vol28_iss1/a11.
14. Kilichbek, S. (2023). COUMARINS: NATURE'S VERSATILE COMPOUNDS WITH DIVERSE PHARMACOLOGICAL ATTRIBUTES. Научный Фокус, 1(5), 1-3.
15. Саминов, Х. Н. У., Ибрагимов, А. А., & Назаров, О. М. (2021). ИССЛЕДОВАНИЕ ФИТОХИМИЧЕСКИХ КОМПОНЕНТОВ PÚNICA GRANÁTUMСОРТА"

ҚАЮМ” ПРОИЗРАСТАЮЩЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Universum: химия и биология*, (1-1 (79)), 57-60.

16. Marufjono'g, S. O. Q. li.(2023). INDUKTIV BOG 'LANGAN PLAZMA MASS SPEKTROMETRIYASI USULI YORDAMIDA ANJIR (FICUS CARICA L.) BARGINING MAKRO VA MIKROELEMENT TARKIBINI ANIQLASH. *Scientific Impulse*, 1 (9), 1726–1728.

17. Саминов, Ҳ. Н. Ў., & Назаров, О. М. (2022). АНОР ЎСИМЛИГИНИНГ ҲАЛҚ ТАБОБАТИДА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 180-182.